

Нажот топадиган бўлса, Саъд топар эди



12:57 / 14.11.2024 3507

رُبِّقْ نَمَاتُ وَصَعَمَسَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَعْلُ لِي لَصِيَّبِي نَلَانَا نَعْنَعُ لَلِ لِي ضَرَسَنَانَا
أَلْأَوْلَ لِقَاوُ وَكَذَبُ رُسَفِ، هِيَ لِهَاجِلِ لِي فِتَام: أَوْلَاقُفِ؟ أَدَهَاتَامِ يَتَم: لِقَاقُفِ
مَلَسُمُ وَيُئِئَسِّنَالُ هَاوَرِ، رُبِّقْ لِبَادَعُ مُمْعَمُ سِي نَالُ لَلِ أَوْلَاقُفِ أَوْلَاقُفِ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қабрдан овоз эшитдилар ва:

«Қачон вафот этган?» дедилар.

«Жоҳилиятда вафот этган», дейишди.

У зот бундан енгил тортдилар ва:

«Агар дафн қилмай қўйишингиздан қўрқувим бўлмаганида, сизга қабр азобини эшиттиришини сўраб, Аллоҳга дуо қилар эдим», дедилар».

Насайй ва Муслим ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрдаги овозларни эшитиш хусусиятлари ҳам борлиги.
2. Жоҳилиятда ширк билан ўлганлар ҳам қабрларида азобланишлари.
3. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳга дуо қилиб, умматларига қабр азобини эшиттириш имкониятига эга бўлсалар ҳам бу ишни қилмаганликлари. Чунки қабрдаги азобни эшитадиган бўлса, одамлар қўрққанларидан ҳеч кимни дафн қилгани бормай қўяр эканлар.

Демак, қабр овозини эшитмасдан ҳам унга иймон келтириб, ундан паноҳ сўраб, ундан қутултирадиган ишларни қилиб юришимиз керак экан.

يٰۤاٰدَمُ اِنَّكَ اَنْتَ وَآلُكَ لَمِنَ السَّٰغِرِيْنَ ۗ وَتِلْكَ اٰيَاتُ الْاٰنْزٰلِ اِلَيْكَ لَعَلَّ اَنْتَ تَتَّقٰۤى ۗ
لَا يَلْبَسُ الْاَلْحٰمَۃُ الْبَشَرِيَّةَ ۗ اَلَمْ تَرَ اَنَّ اٰنْزٰلَ الْوَحْيِ اِلَيْكَ لَمَّا نَزَّلْنَا الْوَحْيَ عَلٰى رَبِّكَ
يَقُوْلُ اِنَّكَ اَنْتَ وَآلُكَ لَمِنَ السَّٰغِرِيْنَ ۗ اَلَمْ تَرَ اَنَّ اٰنْزٰلَ الْوَحْيِ اِلَيْكَ لَمَّا نَزَّلْنَا
الْوَحْيَ عَلٰى رَبِّكَ يَقُوْلُ اِنَّكَ اَنْتَ وَآلُكَ لَمِنَ السَّٰغِرِيْنَ ۗ اَلَمْ تَرَ اَنَّ اٰنْزٰلَ
الْوَحْيِ اِلَيْكَ لَمَّا نَزَّلْنَا الْوَحْيَ عَلٰى رَبِّكَ يَقُوْلُ اِنَّكَ اَنْتَ وَآلُكَ لَمِنَ
السَّٰغِرِيْنَ ۗ اَلَمْ تَرَ اَنَّ اٰنْزٰلَ الْوَحْيِ اِلَيْكَ لَمَّا نَزَّلْنَا الْوَحْيَ عَلٰى رَبِّكَ
يَقُوْلُ اِنَّكَ اَنْتَ وَآلُكَ لَمِنَ السَّٰغِرِيْنَ ۗ اَلَمْ تَرَ اَنَّ اٰنْزٰلَ الْوَحْيِ اِلَيْكَ
لَمَّا نَزَّلْنَا الْوَحْيَ عَلٰى رَبِّكَ يَقُوْلُ اِنَّكَ اَنْتَ وَآلُكَ لَمِنَ السَّٰغِرِيْنَ ۗ

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мана бу унинг учун Арш ҳаракатга келган, унга осмоннинг эшиклари очилган, унга етмиш минг фаришта ҳозир бўлган одамдир. Батаҳқиқ, у ҳам бир марта сиқилди. Сўнгра у қўйиб юборилди», дедилар».

Бу жойда Насайй ва икки Шайх «Фазилатлар» бобида ривоят қилганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисдаги гапларни ансорийларнинг Авс қабиласи бошлиғи, улуф саҳобий Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу ҳақида айтганлар.

Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу вафот этиб, руҳлари кўтарилганида у кишининг ҳурматларидан Арши Аъло ҳаракатга келган, осмон эшиклари очилган экан. У кишининг жанозаларига етмиш минг фаришта ҳозир бўлган экан.

Лекин шунчалик улуғ мақомга эга бўлишларига қарамай, қабрга қўйилганларида у киши ҳам қабр томонидан бир марта сиқилган, кейин қўйиб юборилган эканлар.

Имом Аҳмад келтирган ривоятда:

«Албатта, қабрнинг бир босиши бор. Агар ўша босишдан бирор киши нажот топадиган бўлса, Саъд топар эди», дейилган.

Ушбу қабрнинг сиқишидан фақат Пайғамбар алайҳиссаломлар ва балоғатга етмаган болаларгина четда қолар эканлар. Чунки бу икки тоифада умуман ҳеч қандай гуноҳ бўлмайди. Қолганлар эса бунга албатта дучор бўлар экан. Гуноҳи озларни қабр сиқиши озроқ, кўпларники эса кўпроқ бўлар экан.

Шунинг учун иложи борича гуноҳдан узоқда бўлишга ҳаракат қилиш лозим. Шариатимизда қайси иш гуноҳ дейилса, албатта ўшанинг яқинига бормаслик керак.

Эй Биру Бор, ҳар бир нарсага қодир Аллоҳ! Сенинг Ўзингдан бизни қабр азобидан сақлашингни сўраймиз!

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди